

---

## ДЕПУТАТЛАР „ГАИ“ БОШЛИҒИНИ ЭШИТИШДИ

Халқ депутатлари Ёзёвон туман кенгашида ЎзЛиДеП Ёзёвон туман Кенгаши депутатлик гуруҳининг иш режасига асосан, туман ИИБ ДЙХХГ катта инспектори, майор Қобилжон Юлдашевнинг Президентимизнинг 2022 йил 4 апрелдаги „Автомобил йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирилари тўғрисида“ги қарори ижроси ҳамда 2022 йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳисоботи ва 2023 йил амалга оширилиши лозим бўлган ишлар чора-тадбирлари режаси тингланди. Депутатлик гуруҳи эшитуви жудаям баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Эшитувда А-373- йўлида фоторадар қўйилиб, тезликни назорат қилиб, йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш, Ёзёвон МФЙ Мустақиллик кўчасидаги пиёдалар йўлакчаси нотўғри қўйилганлиги, Марғилон-Улуғнор йўлидаги қайрилиш жойлари беркитиб юборилганлиги фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётганини, Юқори Сойбўйи А-373 магистрал йўли Тўрақўрғон кўчасига ўтишда пиёдалар светофори қўйилиши, пиёдалар йўлакчаси нур қайтарувчи фосфорли ранг билан чизилса, мақсадга мувофиқ бўлиши, туман марказий истироҳат боғидан ўтгандаги тўхташ тақиқланади белгиси тадбиркорлик субъектларига машина тўхташ олмасдан харидор келишини кескин камайтириб, савдо айланмаси тушиб кетишига сабаб бўлаётганлиги, белги кўзга кўринадиган ҳолатда ўрнатилмаганлиги таъкидланди. Юқорида кўтарилган муаммолар бўйича туман кенгаши сессиясига масалалар киритилиши тўғрисида келишиб олинди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-02-21 07:05:17